



**МАМЛАКАТДА ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-КУВВАТЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

*Джузулматова Светлана Раҳматовна –  
Рақамли иқтисодиёт кафедраси и.ф.н.,  
в.б.доценти. Самарқанд иқтисодиёт  
ва сервис институти*

**doi**[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a38](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a38)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда енгил саноат корхоналари маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш ва уларнинг тузилишини яхшилаган ҳолда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Юртимиизда миллий ишлаб чиқаришини техник иқтисодий жиҳатдан жаҳон даражасига кўтариш, унинг тузилишини янада таомиллаштириши орқали миллий валюта захирасини кўпайтишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** ҳалқаро бозор, интеграция, трикотаж, енгил саноат, газлама, кўрсаткич, миллий иқтисодиёт, енгил саноат, қайта ишлаш тармоқлари, жаҳон иқтисодиёти.

**РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ ПОДДЕРЖКИ ПРЕДПРИЯТИЙ  
ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В СТРАНЕ**

*Джузулматова Светлана Раҳматовна –  
к.э.н., и.о.д. кафедры "Цифровая экономика"  
Самаркандинского института экономики и сервиса*

**Аннотация.** В данной статье особое внимание уделяется вопросам дальнейшего развития экспортата продукции предприятий легкой промышленности нашей страны и формирования экспортноориентированной экономики, совершенствования их структуры. Были высказаны предложения и рекомендации по увеличению резервов национальной валюты за счет повышения национального производства до мирового уровня в технико-экономическом плане, дальнейшего совершенствования его структуры в нашей стране.

**Ключевые слова:** международный рынок, интеграция, вязание, легкая промышленность, финишер, индикатор, Национальная экономика, легкая промышленность, Перерабатывающие отрасли, мировая экономика.

**DEVELOPMENT OF AN INNOVATIVE SUPPORT SYSTEM FOR LIGHT  
INDUSTRY ENTERPRISES IN THE COUNTRY**

*Djulmatova Svetlana Raxmatovna –  
Acting Associate Professor of the  
Department of "Digital Economy" in Samarkand  
Institute of Economics and Service*

**Abstract.** In this article, special attention is paid to the issues of further development of exports of light industry enterprises of our country and the formation of an export-oriented economy, improving their structure. Proposals and recommendations were made to increase the reserves of the national currency by increasing national production to the world level in technical and economic terms, further improving its structure in our country.

**Keywords:** international market, integration, knitting, light industry, finisher, indicator, National economy, light industry, processing industries, world economy.

**Кириш.** Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислоҳотлари ва Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг диққат марказида турган энг муҳим устувор вазифалардан бири миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади. Жумладан, "...миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат ва қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш,

саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, янги саноат корхоналари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш [1]" муҳим.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев мамлакатда мавжуд иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, саноат салоҳиятини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ижросидаги камчиликларни танқид қилган ҳолда: "...ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг иқтисодий ва

молиявий қўрсаткичлари бўлган ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз оширишдир”, – деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли фармони [2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3416-сонли қарори [3], муҳим меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда. 2018 йил Ўзбекистонда “Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. 2018 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Стратегиянинг бош мақсади инсон капиталини ривожлантириш, 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига кириш этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан 39 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш бўйича “Йўл ҳарита”лари ишлаб чиқилиб, ҳамкорликда самарали ишлар йўлга қўйилди. 20 га яқин ташкилотда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилиб, жами 45,46 млрд. сўм маблағ йўналтирилган.

Венчурга асосланган молиялаштиришни жорий этиш ва инновацион лойиҳаларга тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағларини кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 ноябрда ПФ-5583-сонли фармони қабул қилинди ва инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг тубдан янги тизими жорий этилди.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Тармоқлар ва мажмуаларни бошқаришга инновацион ёндашув, рақобатбардош саноатни шакллантириш учун инновацияларни тижоратлаштириш ҳар қандай иқтисодиётнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Саноатни модернизация қилиш, миллий инновацион тизимни шакллантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларнинг

ўсиши, янги самарали стратегиялар ва бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш саноатни инновацион ривожлантириш масалаларига ҳокимият органлари, мулқдорлар, бизнес тузилмаси вакиллари томонидан эътибор кучайганидан далолат беради.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши назарияси таниқли хорижий олимларнинг асарлари билан ифодаланган: Белл Д., Бригҳт Д., Жервис А., Друскер П., Менш Г., Мовери Д., Порттер М., Саҳал Д., Тоффлер Э., Рожерс М., Розенберг Н., Ромер П., Росвелл Р., Таунсенд Д., Фриман К., Ҳорсли А., Шумпетер Ж. ва бошқалар [3].

Нелсон Р.: “Инновация (in – “лик”, novus – “янги”) янгилик киритиш, янгилик деган маъно-ни англатади” [4].

“Инновацион фаолият” деганда, одатда турли хил: саноат, савдо, тиббиёт, таълим жараёнларига янги (фойдали) элементлар олиб кириш тушунилади.

Маренков Н.Л.: “Инновация деб, янги фантехника ютуқларидан самарали фойдаланишга айтилади” [5].

Балабанов И.Т. таъкидлашича, “Инновация янги техника ёки технология, меҳнат ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш ва бошқарув, шунингдек, назорат, ҳисоб-китоб, режалаштириш услублари, таҳлил ва бошқаларни ташкил этишнинг янги шаклларига маблағ киритиш орқали эришилган моддийлашган натижадир” [6].

Демак, инновацияга янги ёки такомилаштирилган маҳсулот (товар, иш, хизматлар) кўринишидаги инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида қараш мумкин.

Енгил саноат кўплаб турдош тармоқлар билан боғланган ва бутун халқ хўжалиги комплексига хизмат қиласиди. Енгил саноатнинг асосий хусусияти ишлаб чиқаришга қўйилган маблағларнинг етарлича тез қайтарилиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турининг “минимал” харажатлар билан тез ўзгаришидир.

Енгил саноат иқтисодиёт тармоғи сифатида давлат бюджетларини шакллантиришда бевосита иштирок этади. Енгил саноат инвестицион жозибадор ҳисобланади, чунки инвестициялар қуйидаги сабабларга кўра ўзини тезроқ оқладайди:

- инвестицияларнинг тез қайтарилиши, бу тез айланмаси (йилига 3-4 марта) ҳисобига олинган ва субсидияланган маблағлардан самарали фойдаланиш имконини беради [10].

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қисқа муддатлари;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва технологик имкониятларининг юқори ҳаракатчанлиги талаб ва моданинг мавсумий ўзгариши билан боғлиқ бўлган бозор ўзгаришларида солиқ

имтиёзларини камайтирмасдан, ишлаб чиқариш ҳажмини ва шунга мос равишда сотиш ҳажмини камайтирмасдан, маҳсулот турларини тезда ўзгаришига имкон беради;

- маҳаллий хомашёнинг (жун, зифир, тери хомашёси) мавжудлиги;
- потенциал бозор сигими.

Шу билан бирга, ҳар бир миллий иқтисодиёттинг муҳим тармоқларидан бири бўлган енгил саноат инновацион компонентни шакллантириш, аҳоли бандлигини ошириш, импорт ўрнини босишини ривожлантириш ва кўпайтириш билан боғлиқ туб ўзгаришлар арафасида турибди [11].

Илмий салоҳиятни жадал ривожлантириш ҳисобига енгил саноатнинг жадал ривожланишини таъминлаш, бу соҳани модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, салоҳиятини оптималлаштириш ва зарур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, енгил саноатни ривожлантиришнинг янги босқичини доимий юксалтириш билан белгилаб беради.

Бу борада амалга оширилган тадқиқотларга қарамасдан, инновацион иқтисодиёт шароитида енгил саноат корхоналарини кўллаб-кувватлаш борасида тизимли фаолият ҳамон ўрганилмаган. Шу сабабли ушбу мақола енгил саноат корхоналарини инновацион қўллаб-кувватлашнинг самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиша илмий-услубий аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқотда оила фаровонлигини таъминлашда шарқ мутафаккирларининг иқтисодий тарбияга оид турли хил ёндашувлари умумлаштирилган ҳолда ўрганилди. Бунда синергетиканинг методологик имкониятларидан фойдаланилиб, таҳлил обьектлари қиёсий ўрганилди, гуруҳлаштирилди ва тизимлаштирилди ҳамда хулосалаш асосида амалиётда яхлит қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Синергетика методларини хизмат кўрсатиш соҳаларини тадқиқ этишда қўллаш унинг амалий аҳамиятини оширади. Мазкур ишда шу принципга асосланиб, иш кўрилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон иқтисодиётiga интеграциялашув жараёнлари долзарблик касб этиб бораётган бугунги кунда юртимизда мавжуд корхоналарнинг барқарор ривожланишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раҳбарлигига олиб борилаётган ислоҳотлар ва очиқлик сиёсатининг асосий мақсадларидан бири мамлакатимизни жаҳон иқтисодиётiga кенг миқёсда интеграция қилишдан иборат. Шундай экан, олиб борилаётган ислоҳотлар ва очиқлик сиёсатининг асосий мақсадларидан бири мамлакатимизни жаҳон иқтисодиётiga кенг миқёсда интеграция қилишдан иборат.

Ўтган 2019-2020 йиллар мобайнида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон улкан учликка киравчи “Фитч Ратинг”, “Стандард & Поор’с” ва “Моодй’с” агентликларининг суверен кредит рейтингини олди, евробондларни бўйича халқаро бозорга чиқди, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича энг яхши ривожланган 20 та мамлакат рейтингига кириб, Жаҳон банкининг “Доинг Бусинесс” рейтингида ўз ўрнига эга бўлди.

Бугунги кун маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германия, Франция, АҚШда 6-8 %ни, Италияда 12 %ни ташкил этади. Бу мамлакатлар бюджетининг 20 %гача қисмини тўқимачилик тармоғи ва кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ҳисобига шакллантириш имконини беради. Жаҳонда охирги 10-15 йил ичидаги енгил саноат корхоналари ривожланишида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Иқтисодиёттинг глобаллашуви натижасида кийим-кечаклар ишлаб чиқариш маркази Европа ва АҚШдан “учинчи дунё” мамлакатлари, хусусан, Жанубий-шарқий, Марказий Осиё, Жанубий Америка давлатларига кўчди [7].

Инновацион иқтисодиёт шароитида енгил саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар, жумладан, кимёвий тола ва иплардан шакл сақловчанлик хусусияти юқори бўлган, замонавий газламалар ва хомашё сарфини қисқартириш имконини берадиган “енгиллаштирилган” трикотаж маҳсулотларини яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишига имкон берадиган илфор техника ва технологияларни тадқиқ қилиш бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларни қўллашга алоҳида эътибор қаратиш ва республикамиз енгил саноати корхоналаридан бошқариш самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини такомиллаштириш, саноат корхоналарини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларда бошқариш тизимини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда соҳа доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами енгил саноат маҳсулотлари ҳажмини йилдан-йилга оширишнинг истиқболли режаларини татбиқ этмоқда. Жумладан, тўқимачилик ва енгил саноатнинг 2014-2020 йиллардаги ривожланишининг мақсадли прогноз кўрсаткичларига мувофиқ, мазкур саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилга қадар 6,9 трлн. сўмни ташкил этиши, бунда ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баробарга, газлама ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 баробарга, шойи газлама ишлаб чиқариш

ҳажми 2,7 баробарга, нотўқима матолар ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга, трикотаж матолар ишлаб чиқариш ҳажми эса 2,7 баробарга ортиши белгиланганлиги юқори аҳамиятга моликдир [8].

Мамлакатимизнинг енгил саноат корхоналари маҳсулотлари билан халқаро бозорларда рақобатчилик қила оладиган мамлакат сифатида ўз ўрнини эгаллаши, енгил саноат маҳсулотларини сотишнинг мақбул тизимини шакллантириш, хусусан, халқаро маркетинг концепциясини ишлаб чиқишига алоҳида талабларни қўяди. Ушбу ҳолат эса енгил саноат маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва самарали саводсини рағбатлантириш механизмларини замонавий бозор талаблари асосида ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишига бевосита боғлиқ.

Республикамида худудий ривожлантириш борасида ишлаб чиқилаётган бир қатор дастурларда ҳам енгил саноат тармоғини тараққий эттириш асосида жойларда маҳаллий ишлаб чиқариш кўламини ошириш, шу асосда ишлизлик даражасини пасайтириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабря тасдиқланган "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури"га асосан 2020 йилга қадар 132 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши, улардан 50 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутил-

ган. Бундай лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 2,2 млрд. долларни ташкил этади. Шу билан бирга, ушбу дастурга мувофиқ, 112 та замонавий, юқори унумли ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида, мамлакат экспорт салоҳиятини қарийб 2,5 млрд. долларгача кўпайтириш ҳамда миллионлаб иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Бугуни кунда тармоқнинг ЯИМдаги улуши 9,6 фоизни ташкил этмоқда. Чет эл инвестициялари ва технологияларини жалб этиш, ишлаб чиқариши модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, илғор хориж тажрибаси асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган самарали сиёсат юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишига хизмат қиласётганлиги таъкидланди.

2021 йилнинг январь-май ҳолатига кўра Ўзбекистонда ва Тошкент шаҳрида жами 60 турга яқин енгил саноат тармоқлари бўлиб, биргина "Трикотаж буюмлар – ишлаб чиқариш, сотиш бўлимлари"нинг 103 дан ортиғи республикамиз бўйича ўз фаолиятини олиб бормоқда. Инновацион иқтисодиёт шароитида енгил саноат тизими корхоналарининг моддий-техник жиҳатдан кўллаб-куватланиши ва ишлаб чиқариш доирасининг кенгайтирилиши борасида олиб борилаётган узвий чора-тадбирлар мазкур соҳа корхоналари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажмини республика ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришининг ҳамда миллий экспорт умумий ҳажмида салмоқли ўрин эгаллашига замин яратмоқда (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва экспорти ҳажмида енгил саноат корхоналари маҳсулотларининг улуши [9]

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	ЯИМ ҳажми, амалдаги баҳоларда млрд. сўм	Енгил саноат корхоналари маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўм	Енгил саноат корхоналарининг ЯИМдаги салмоғи, фоиз
2007	28 190,0	2 532,8	9,0
2008	38 969,8	2 993,8	7,7
2009	49 375,6	3 436,0	7,0
2010	62 388,3	4 593,1	7,4
2011	78 764,2	5 640,7	7,2
2012	97 929,3	6 566,6	6,7
2013	120 861,5	8 469,3	7,0
2014	145 846,4	10 570,5	7,2
2015	171 369,2	15 782,0	9,2
2016	199 325,1	19 652,2	9,9
2017	249 100,0	24 565,25	9,9
2018	407 500,0	39 304,4	9,6

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2007-2018 йиллар мобайнида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ўсиш кузатилса-да (йиллик ўртacha ўсиш 1,7 млрд. сўмни ташкил этган), бундай маҳсулотларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулото-

ти ҳажмидаги салмоғи 2013 йилга қадар пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳолат эса мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибининг кенг миқёсда диверсификация қилиниши билан боғлиқдир. Бу эса республикамизда енгил саноат маҳсулотлари хомашё захи-

расининг кўплиги, ишлаб чиқариш имкониятлари (ишчи кучи арzonлиги, ишлаб чиқариш ускуналарининг янгиланиш даражаси тезлиги ва ҳ.к.)нинг юқорилиги ҳамда соҳага эътибор қартилаётганлиги сабабли тайёр енгил саноат маҳсулотлари ҳажмини оширишга эришиш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Енгил саноат корхоналарининг ҳар бири хўжалик юритувчи субъект сифатида маълум самарадорлик билан ишлаши лозим. Бунинг учун самарадорликни ифодаловчи барча кўрсаткичларга таъсири этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсирини аниқлаш лозим бўлади. Бунда самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар билан бирга уларнинг натижавий кўрсаткичларини ҳам алоҳида ўрганишга тўғри келади. Чунки натижка кўрсаткичлари юқори бўлсагина, самарадорлик ҳам юқори бўлади.

Ушбу назарий хуносага таянадиган бўлсақ, натижавий кўрсаткичлардан бири маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичининг ўзгаришига таъсири қилувчи омиллар иқтисодий адабиётларда деярли чоп қилинмаган. Буларни инобатга олиб, ушбу кўрсаткичларга таъсири этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқдик. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичининг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсири қиласди:

–корхонадаги умумий ходимларнинг сони;

$$\Delta Y_T = (X_c^x * K_i^x * I_c^x * M_y^x) - (X_c^p * K_i^p * I_c^p * M_y^p); \quad (1)$$

Натижка кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажмининг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни корхонадаги умумий ходимлар сонининг таъсирини аниқлаш учун натижка шу омилнинг ҳақиқий миқдори би-

- корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари;
- ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари;
- битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги.

Уларнинг натижка кўрсаткичи билан боғлиқлигини қўйидаги формула билан ҳисоблашни тавсия қиласиз:

$$Y_T = X_c * K_i * I_c * M_y; \quad (1)$$

Бунда:

$Y_T$  – маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум;

$M_j$  – корхонадаги умумий ходимларнинг сони;

$K_i$  – корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари;

$I_c$  – ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари;

$M_y$  – битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги.

Юқоридаги формулага кўра, омиллар таъсирида таҳлилнинг асосий вазифаси мазкур омилларнинг натижага таъсирини аниқлашдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, уларнинг фарқини аниқлаш лозим. Ушбу фарқни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиласиз:

лан қайта ҳисоблаб олинади  $(X_c^x * K_i^p * I_c^p * M_y^p)$  ва ушбу миқдордан натижанинг режадаги миқдори  $(X_c^p * K_i^p * I_c^p * M_y^p)$  айирилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta Y_{T_{K_i}} = (X_c^x * K_i^p * I_c^p * M_y^p) - (X_c^p * K_i^p * I_c^p * M_y^p); \quad (3)$$

Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига иккичи омилнинг, яъни корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари кўрсаткичи таъсирини аниқлаш учун натижка шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади

ди  $(X_c^x * K_i^x * I_c^p * M_y^p)$  ва ушбу миқдордан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори  $(X_c^x * K_i^p * I_c^p * M_y^p)$  айирилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta Y_{T_{K_i}} = (X_c^x * K_i^x * I_c^p * M_y^p) - (X_c^x * K_i^p * I_c^p * M_y^p); \quad (4)$$

Натижка кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажмининг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатларининг таъсирини аниқлаш учун натижка шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади

$(X_c^x * K_i^x * I_c^x * M_y^p)$  ва ушбу миқдордан натижанинг иккичи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори  $(X_c^x * K_i^x * I_c^p * M_y^p)$  айирилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta Y_{T_{I_c}} = (X_c^x * K_i^x * I_c^p * M_y^p) - (X_c^x * K_i^x * I_c^p * M_y^p); \quad (5)$$

Натижа қўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни битта ходимга тўғри келадиган ўртacha тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнатунумдорлиги таъсирини аниқлаш учун натижа-

нинг ҳақиқий миқдоридан ( $X_c \times K_i \times I_c \times M_y^x$ ) ва ушбу миқдордан натижанинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ( $X_c \times K_i \times I_c \times M_y^p$ ) айрилади. Бунинг учун қуидаги формуладан фойдаланишини тавсия қиласиз:

$$\Delta Y_{tMy} = (X_c \times K_i \times I_c \times M_y^x) - (X_c \times K_i \times I_c \times M_y^p); \quad (6)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Бунинг учун қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Y_t = \Delta Y_{txc} \pm \Delta Y_{tki} \pm \Delta Y_{tis} \pm Y_{tMy}; \quad (7)$$

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб ечиладиган бўлса, натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш билан бирга уни яхшилашнинг ички имкониятлари ҳам ахтариб топилади.

Юртимизда енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш тараққиётини янада жадаллаштиришда бошқарувнинг барча тамойиллари ва усулларини босқичма-босқич амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самардорлигининг доимий ошиб бориши объектив зарурат ҳисобланади ва миллий даромаднинг кескин кўпайишига имконият яратиб беради.

**Хуласа ва таклифлар.** Мамлакатимизда маҳсулотлари билан халқаро бозорларда рақбатчилик қила оладиган, мамлакат имижини дунё бозорига чиқара оладиган енгил саноат корхоналари фаолиятини йўлга қўйишида, қуидаги асосий вазифаларга тўхталиб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ:

– енгил саноат корхоналарининг самарали инвестицион фаолиятни инобатга олган ҳолда, унинг юқори суръатли иқтисодий тараққиётини таъминлаш;

– енгил саноат корхоналарининг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб у учун стратегик инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш, мувофиқлаштириш, режалаштириш, зарур инновацияларни жалб қилиш ва бошқариш;

– енгил саноат корхоналари даромадларини ошириш, иқтисодий ўсишга эришиш ва натижада аҳоли фаровонлигини кўтариш.

Биз юқорида инновация жараёнларини бошқарышнинг асосий функцияларига тўхталиб ўтиб, ушбу функцияларни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқдик. Ўз навбатида, енгил саноат корхоналарида инновацияларни бошқарышнинг функциялари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, енгил саноат корхоналари самарали бошқарув жараёни ушбу корхонанинг иқтисодий ўсишига ижобий таъсир этади. Демак, енгил саноат корхоналари инвестицион фаолияти стратегик бошқарувнинг муҳим вазифаси корхона инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш ва шу орқали корхонанинг табиий ихтисослиги бўйича инвестицион оқимни йўналтиришдан иборат.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши вазирлигини ташкил этиши тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши вазирлиги фаолиятини ташкил этиши тўғрисида”ги ПК-3416-сонли қарори.
4. Юань Чжэн. Анализ и разработка направлений инновационного развития легкой промышленности Китая. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. – СПб., 2019.
5. Nelson R. National Systems of Innovation: A Comparative Analysis. Oxford, 1993.
6. Маренков Н.Л. Инноватика. Учебное пособие. – М.: КомКнига, 2005. – 194 с. С. 10.
7. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2000. С. 11.
8. [www.oecd.org](http://www.oecd.org)
9. Давлат статистика қўмитаси прогноз қўрсаткичлари.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
11. Фетисов Г.Г. Закономерности и факторы размещения экономики. [http://www.елитариум.ру/факторы\\_размещенижа\\_жекономики/](http://www.елитариум.ру/факторы_размещенижа_жекономики/)
12. Ngai E.T., Peng S., Alexander P., Moon K.L. Decision support and intelligent systems in the textile and apparel supply chain: An academic review of research articles. // Expert Systems with Applications. 2014. Vol. 41, Iss. 1. P. 81-91